

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

226 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ–319-сон Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 май,
ПФ–4442-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2012 йил 23 майдаги
ПФ–4442-сон Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги ПФ–4191-сон Фармонининг:

а) 2-бандида:

иккинчи хатбошидаги «монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги» сўзлари «рақобат тўғрисидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «товарлар (хизматлар, ишлар) бозорларида,» сўзлари «товар ёки молия бозорларида,» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «монополияга қарши

қонун ҳужжатлари,» сўзлари «рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари,» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 2 мартдаги ПҚ–1293-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги ҳамда унинг 2 ва 3-иловаларидаги «монополияга қарши қонун ҳужжатлари» сўзлари «рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.